




ТОШКЕНТ



XXI аср сақоси
Барча маблардан
олинган сўнги хабарлар

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 79 (9.576) 2001 йил 9 июль, душанба

Сотувда эркин нархда

10 **Шу азиз Ваган — барчамизники!**

Улуғ айёмга тўёна

Мустақиллик йилларида нафақат бунёд этилаётган мухташам биноларимиз, балки раво кўчаларимиз ҳамда замонавий кўприкларимиз ҳам пойтахтимиз чиройини ошириб қўрқ бағишламоқда.

Шаҳримизнинг файзли ва серқатнов кўчаларидан бири бўлган Навоий кўчаси энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўзгача қиёфа касб этмоқда. Йўлнинг Фурқат кўчасидан Усмон Юсупов кўчасигача бўлган 1,8 километрлик узунликдаги қисми тўла таъмирланиб, йўловчи ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчилари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Йўлни қайта қуриш ва кенгайтириш ишларини Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трестига қарашли 3-йўл қурилиш бошқармаси йўлсозлари бош пудратчи сифатида амалга оширмоқда. Шу кунга қалар Фурқат кўчасидан Абай кўчасигача бўлган масофада трамвай йўли ётқизиш, рельслар оралиқларида гишт терил, йўл қопламаларини қоплаш, йўл чеккасига ариқчалар ётқизиш, сув пуриқчилар ўрнатиш, даракларга шакл бериш, пиёдалар йўлакчаларини қуриш ишлари ниҳоятга етди. Йўлнинг эни 25 метрдан 33 метрга кенгайди. Йўлсозларнинг мақсади 1,8 километрлик масофани тез кунларда лойиҳага яқин қайта қуриш ва сифатли таъмирлаш бўлгани боис

ҳам айна кунларда бу ерда меҳнат қилаётган бунёдкорлар сони 250 нафардан ортиб кетди. 20 тадан ортиқ замонавий техникалар уларнинг энг яқин маддакорига айланган. Шунингдек, «Чирчиқмонтаж» бошқармаси, ихтисослашган йўл бошқармаси ва бошқа ёрдамчи пудратчилар ҳам ўз куч-ғайратларини йўлни тез ва соз бунёд этишга қаратишган. Айниқса, саратоннинг жазирасида ҳам сидқидилдан меҳнат қилаётган Жаҳонгир Эгамқулов, Уринбосар Қурбанов, Абдор Мамажонов, Анвар Айдосов сингари тажрибали йўл қурувчиларининг маҳоратларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, келгусида йўлнинг Фурқат кўчасидан «Чорсу» меҳмонхонасигача, Усмон Юсупов кўчасидан Амир Темур кўчасигача бўлган оралиқни ҳам замонавий таъмирлаш кўзда тутилган. — Албатта, йўлсозларимиз бу масъулиятли вазифани ҳам ўз вақтида бажаришга бел боғлашган, — дейди бош муҳандис Абдусаттор Қолиров. — Баракали меҳнатимиз эса Истиқлолимизнинг муборак айёмига улуғ тўёна бўлди.

Дилноза ҒИЁСОВА

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

Қутлуғ дамлар

• **Илҳом МУҲАММЕДЖОНОВ**, Тошкент ижарадаги матбаа комбинати соловчилар бригадаси бошлиғи, «Меҳнат Шухрати» ордени соҳиби: — Мустақиллик эълон қилинган кун халқимиз ҳаётида энг унутилмас, қалбларга ширин энтиқши ва ҳаяжонни башх этган муборак дамлардан бири бўлиб қолди. Утган давр билан Истиқлолнинг ўн йилда рўй бераётган ўзгаришларни солиштирган одам, албатта, Мустақиллик халқимиз учун, келажаги порлоқ давлатимиз учун буюк неъмат эканлигини жуда яхши фахмлайди.

Мен меҳнат қилаётган корхонада ҳам мана шу йиллар давомида катта ўзгаришлар рўй берди. Цехларимиз жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрлайдиган юксак унумли хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга талаб орди, сифати яхшиланди. Замонавий дастгоҳлар ёрдамида тайёрланаётган матбаа маҳсулотларимиз бемалол хорижники билан рақобатлаша олади.

Падали бузрукворим 40 йил матбаачилик соҳасида фаолият кўрсатганлар. Шу боис бўлса керак, бу соҳага болалгимдан меҳр қўйдим. 1967 йилдан буюн ўзим меҳнат қилаётган жамоада фаолият кўрсатаман. Аввало 10 йил чоп этувчи бўлиб ишладим. Техникага ихлосим билан бўлгани боис дастгоҳларни созилаш кунт билан ўргандим. Цехдаги барча турдаги босма машиналарни созилаш муккамал эгаллаб олдим. Шунинг учун бўлса керак мени 7 кишидан иборат соловчилар бригадасига раҳбар қилиб тайинландим.

Шуниси қувонарлики, мустақиллик туфайли ҳар ким ўз қобилиятини эркин намойён этишга, ташаббускорликка кенг имкониятлар очилди. Ҳамкасбларим билан ҳамжиҳатликда корхонамизга Германиядан келтирилган янги замонавий дастгоҳларни ўзимиз ўрнатиб ишга туширдик.

Меҳнатларим мевасини тотиш ҳам мана шу кадрли 10 йил ичида насиб этмоқда. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи, ўтган йилда эса Президентимизнинг Фармонида кўра «Меҳнат Шухрати» ордени билан тақдирландим. Мен ҳалол, самарали меҳнат, албатта, ўз она диёримда, мустақил юртимда ҳаммиса кадрларнишга амин бўлдим.

Бугунги кунда, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 10 йиллик тўғи нишонланадиган қутлуғ дамларда жамоа аъзоларимиз ўзгача куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Маҳсулот сифати, иш самарадорлиги ва ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шарафига, моддий манфаатдорлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса барчамизни корхона ютуғига, шунинг баробарида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишга, мустақилликни мустақамлаш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишга ундайди.

Қисқара

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида уй бекалари, маҳалла фаоллари ҳамда мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида Абдулла Кодирий, Акмал Икромов маҳаллалари кўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати «Аёл ва маънавият» деб номланди. Мазкур тадбир Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббускорлигида ўтказилди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ташқи иқтисодиёт миллий банки ташкил этилганига 10 йил тўлди. Истиқлол тенгшохи бўлган ана шу банкда шу муносабат билан тадбир бўлиб ўтди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтида шифокорлар иштирокида сил касалликларини даволаш усулларига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Анжуман қатнашчилари германиялик ҳамкасблари хайрия сифатида тақдим этган 10 минг дойч-марка миқдоридagi маблағни сил касаллигига чалинган беморларни даволашда катта нафи тегадиган саховат ўрнида қабул қилдилар.

□ **БУНДАН** икки йил муқаддам қайта таъмирдан чиқарилиб замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган Тошкент радиотехника ва автоматика коллежиде ўқиш истагини билдирган ёшлардан ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Ва бу жараён 20 августга қадар давом этади.

□ **ИСТИҚЛОЛ** шарофати туфайли Юнусов туманидаги Мансур Хўжаев маҳалласида истиқомат қилаётган Абдуҳаким Турсунов хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Маҳалладошларининг беғараз кўмағи билан яқиндагина маҳалладаги Хотира майдонни атрофида нововойхона бунёд этган Абдуҳаким Турсуновнинг ниёти маҳалладошлари ва шаҳарликларни сифатли, бўйсилдоқ нон билан таъминлаш. Шунинг учун ҳам миҳозларга қулайлик яратиш мақсадида хусусий нововойхона ёнида шинамгина айвонча қад кўтарди.

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 443-боғчада тарбиячилару жажжи кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида «Хайр боғча — салом мактаб» деб номланган кеча ўтказилди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ТАДБИРКОРЛИК

Хорижда харидори бор

Пойтахтимиздаги «NEMA» кўшма корхонасида тайёрланаётган ширинликлар бежирим ва чиройли қадоқлашни, таъми ва сифати билан хорижникидан асло қолишмайди.

Ана шу боис ҳам унинг маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, қўшни давлатларда ҳам ўз харидорига эга. Уч йилдан буюн фаолият кўрсатаётган ушбу корхонада 97 нафар ишчи-хизматчи иш билан таъминланган. Бугунга келиб печенье, вафли, шоколад маҳсулотларининг тури 28 хилдан ортиб кетди. Ширинликларнинг бир қисми Россия давлатига экспорт қилинмоқда.

Корхона тадбиркорларининг асосий

мақсадлари маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Албатта, бозорни ўрганиш, хорижий шериклар билан ҳамкорлик, янги замонавий технологиядан кенг фойдаланиш ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга маҳсулот турларига, унинг хилма хиллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўйига барча қатори корхона аҳли ҳам яхши тўхфа ҳозирламоқда. Бу шириндан шакар янги турдаги маҳсулотнинг аҳоли дастурхонини безашда, болажонларга байрам кайфияти улашишда муҳим ҳисса бўлади.

Дилдора ҒАНИЕВА

САНОАТ

«Ўзкимёфармсааноат» Давлат акционерлик концерни мамлакатимизда миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, шу асосда рақобатбардор дори-дармонларни қўллаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда етакчи корхона сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Концернга қарашли «Кор-фармаса-ноат» кўшма корхонаси ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда корхона инфузион эритмаларнинг турли ширинликлар билан шуғуллана бошлади. Маҳалладошларининг беғараз кўмағи билан яқиндагина маҳалладаги Хотира майдонни атрофида нововойхона бунёд этган Абдуҳаким Турсуновнинг ниёти маҳалладошлари ва шаҳарликларни сифатли, бўйсилдоқ нон билан таъминлаш. Шунинг учун ҳам миҳозларга қулайлик яратиш мақсадида хусусий нововойхона ёнида шинамгина айвонча қад кўтарди.

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 443-боғчада тарбиячилару жажжи кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида «Хайр боғча — салом мактаб» деб номланган кеча ўтказилди.

Замонавий технологиялар

ноатнинг шу яқин йиллар ичидаги фаолиятини янада ривожлантириш учун йўл очиб беради. Бунинг учун маҳсулот тайёрлаш жараёнини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бунда корхонанинг Швейцария, Швеция, Италия каби мамлакатлар етакчи фирмалари билан алоқалари муҳим ўрин тутмоқда. Швейцариядаги «Ромеланг-АТ» фирмасидан эритмаларни қадоқловчи

технология олинди. Швейцариянинг «Гетинг-АБ» компанияси юборган технология иситилган сувларни тозалаш имконини беради. Англиядаги «Палл» компаниясининг фильтрлаш қурилмасидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари «Никомек» (Италия) компанияси билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди. Бунинг самараси ўлароқ бу компания ишлаб чиқарган инфузион эритмалар ишлаб чиқариш янги технологияга асосланди.

Ақбар АЛИЕВ

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Бакалавр ва магистрлар — компанияга

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг турли ишлаб чиқариш участкаларида ўз соҳасининг моҳир усталари меҳнат қилишмоқда. Улар орасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти дипломини олган малакали му-

ҳандислар ҳам талайгина. Олий ўқув юрти яқинда яна бир неча нафар битирувчи ёш мутахассисни мазкур компанияга ишга йўллади. Бу саноат институт бакалавр ва магистрларини ишга тайинлади. Улар матбаа ва босма маҳсулотлар дизайни кафедраси-

да ўз ихтисосликлари бўйича диплом олишти. Шунингдек, институт билан нашриёт ўртасида тузилган шартнома бўйича бўлажак мутахассислар ўқув амалий малакасини ошириш тадбирлари ҳам белгиланди.

Отабек МИРЗАРАХИМОВ

ЁЗ-2001

Оролбўйидан келган болалар севинчи

Меҳнатқашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва мароқли дам олишини ташкил этишдек хайрли ишда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ҳам қатнашмоқда. Сўлим оромгоҳларда мириқиб хордиқ чикариб ота-онаси бағрига қайтаётган қоралпоқ фарзандларининг таассуротлари мени қизиқтириб, улар билан суҳбатладим.

«Мен, Ринат Давлатмуродов Кўнурот туманидаги 36-мактабда ўқийман. 12 ёшдаман. Стрельцов номидаги оромгоҳда дам олдим. Чиройли, ҳавоси тоза, суви ширин жойлар экан, маза қилдим. Овақтлари тўйимли, шароити яхши. Хурсандман».



«Мен, Мурод Турдимуродов Мўйноқдаги 4-мактабнинг 6-синфига ўқийман. Стрельцов номидаги оромгоҳда яйраб дам олдим. Овақтлари жуда ҳам яхши, ширин. Ҳавосидан мириқиб нафас олдим, сувлари ниҳоятда ширин. Қизиқarli тадбирлар бўлиб, асло зерикма-

ди. Цирк томошалари бўлди. Спортдан футболни яхши кўраман. Оромгоҳдаги мусобақада шашка бўйича учинчи ўринни олдим. Агарда оромгоҳга йўлланма берилса яна келардим. Бизларга ғамхўрлик кўрсатаётган

Президентимизга миннатдорчилик билдираман».

Тошкент темир йўл вокзалида тўпланиб, Қорақалпоғистон Республикасига қайтишга оғланаётган юзлаб болаларнинг нигоҳига қараб, уларнинг яхши дам олганлиги, мамнунигини кўриб, қувондан дилимиз яйрди. Уларнинг ўрнига Оролбўйидан қўни кеча пойтахтимиз оромгоҳларига дам олиш учун келган ёшларнинг ҳам



Эрталаб оромгоҳда гимнастика билан шуғулландик. Кинолар кўрсатишди. Хилма-хил қизиқarli тадбирлар, концертлар бўлиб ўтди. Оромгоҳда қўллаб-дўстлар орттирдим. Ҳар бир кунимиз мазмунли, эсда қоларли бўлиб ўтди. Қисқаси, маза қилиб дам олдим. Бунинг учун дўстларим, тенгқурларим номидан тенгқурлари каби бу ердан мамнун бўлиб кетишларини ҳис этдик.

Улуғбек ПУЛАТОВ СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистондан дам олгани келган болаларни Тошкент темир йўл вокзалида кўтиб олиш.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Мамлакатимизда

• Мамлакатимиз парламенти томонидан 1994 йилда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бугун қандай ишляпти, унга жойларда қандай амал қилинмоқда? Олий Махлисининг Иқтисодиётни ислох қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятида ижроси муҳокама қилинган йиғилишида асосий эътибор ана шу масалага қаратилди.

• Тошкентдан Нью-Йоркка йўл олган «Боинг-757» самолёти Бирмингем (Буюк Британия) аэропортига қўнди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматидан хабар қилишларича, бу билан Тошкент — Бирмингем — Нью-Йорк янги йўналиши бўйича доимий қатнов йўлга қўйилди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил инфратузилма вазири Авигод Либерман бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувда Ўзбекистон-Исроил савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд айрим муаммоларни биргаликда бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Исроиллик меҳмонлар «Сохнут» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ҳам бўлишди.

• Бугун бир гуруҳ шифокорлар билан 30 миллион сўмлик хайрия ёрдами ортлган «Экосан» поезди Тошкентдан Нукусга жўнаб кетди.

• Наманган муҳандислик институти профессор-ўқитувчилари янги педагогик технология «Мульти-медиа» ташкил этишди. Ушбу марказни тузишдан асосий мақсад институт ўқитдорли талабаларини «Умид», «Қамолот», «Акселс» жамғармалари орқали халқаро миқёсдаги танловларга пухта тайёрлаш, «Интернет» тизимида чет элларга чиқиш ва тенгдошлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

• Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан — барчамизники» республика фестивалининг навбатдаги мезбони сирдарёликлар бўлди. Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида ўтказилган фестиваль Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва Бадиий академия томонидан Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилди.

Жаҳонда

• Бугун Москвада Халқаро Олимпия Кўмитасининг ўн иккинчи сессияси очилди.

• Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов расмий ташриф билан Қозғистонда бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоев билан учрашиб чегара билан боғлиқ масалалар ҳақида музокара олиб борди. Шунингдек, учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама этилди.

• Болгария парламенти мамлакат ҳукуматининг истефода чиқишга розилик берди.

• Македония ҳукумати албан исёвчилари билан уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги шартнома ни имзолади.

• Чехия парламенти мамлакат конституциясига тузатишлар киритди. Эндиликда мамлакат учун Европа Иттифоқига қўшилишга ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай тўсиқ қолмади. Яқинда айна шу масала бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтади.

• Таллинда НАТОга қўшилишга даъвогар 10 мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари учрашди. Улар НАТО таркибин кенгайтиришни сўраб, қўшма баёнот қабул қилди.

• Замбия пойтахтида Африка бирдамлик ташкилоти (АБТ)га аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви давом этмоқда. Унда Африка қитъасининг 40 дан ортиқ давлатидан вакиллар қатнашмоқда. Йиғилишда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг бугун Нусакада бўладиган учрашуви билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

• БМТнинг аҳолишунослик маркази маълумотига қараганда, аҳолиси 10 миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 2020 йилгача 19 тадан 21 тага етади. Ушбу рўйхатнинг бошида турган Токио аҳолиси эса 26,4 миллион кишига етиб, ўзининг етакчилиги ўрнини сақлаб қолади.

• Москвада рус тили бўйича бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро олимпиадада Ўзбекистондан беш нафар ўқувчи қатнашди. Уларнинг тўрт нафари — Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гуландон Юсупова, Тошкентдаги 166-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Елена Калинина, ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси 9-синф ўқувчилари Гулисанам Каримова ва Пўлат Солиҳов олтин, мазкур гимназиянинг 9-синф ўқувчиси Фурқат Полновзода эса бронза медалига сазовор бўлди.

• «Ютор» тўғриси Сянган (Гонконг) оролига қараб бормоқда. У Тайван оролининг жанубий қисминини «силаб» ўтди. Хабарларга кўра, тўфон сабабли Тайванд самолёт ва поездлар қатнови тўхтатилган, мактаб ёпиб қўйилган.

• Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Amnesty International маълумотларига кўра, сўнги уч ойда Хитойда 1781 нафар киши ўлим жазосига ҳукм қилинган.

• Иркутск яқинида содир бўлган авиаҳалокат қурбонларидан 70 нафарининг шахси аниқланди. Улардан 6 нафари Хитой фуқаролари экан. Шахс аниқлаш ишлари яқшабганча давом этади.

• Аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда голибликни қўлга киритган америкалик В. Уильямс Уимблдон чемпиони номига сазовор бўлди. Об-ҳавонинг ноқулайлиги сабабли эркаклар ўртасида мусобақалар бироз кечиктирилди. Улар ўртасидаги голиб бугун аниқланди. Финалда Г. Иваннишевич ва П. Рафтерлар учрашди.

• Жанубий Африка футбол Конфедерация ижроия қўмитаси Буанос-Айресда бўлган йиғилишда Африка кубоғи ўйинларини Колумбияда ўтказишга қарор қилди. Фақат бу ерда юз бериши мумкин бўлган кўпуровчилик ҳаракатлари боис кубок ўйинлари келаси йили бошларида ташкил қилинади.

Бозор талаблари асосида

Шахримзининг Бектемир туманида жойлашган «Бек Сардор» хусусий корхона жамоаси аҳолига сифатли юк транспорт хизмати кўрсатиш борасида хайрли ишлар қилиб келмоқда.

Айни пайтларда корхонада ЗИЛ, Камаз, УАЗ ҳамда ГАЗ — 53 русумли 85 та юк ташиш транспортлари аҳоли хизматида. Бу тартиплар билан 100 турдан зиёд турли юклар ташланади. Унган йили жамоа аҳли аҳолига 6 миллион 550 минг сўмлик турли хизмат кўрсатиб 404 минг сўм соф фойда кўрди. Бу йил ҳам 5 ой мобайнида 2 миллион 700 минг сўмлик иш бажарилиди. Биз корхона раҳбари С. Комилжоновнинг кейинги истиқболи ва режалари, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Корхонада мавжуд бўлган юк ташиш транспортларининг асосий қисмини ижарага берганмиз. Чунки бугунги эркин бозор иқтисодиёти шунга талаб этмоқда. Чунки мамлакатимиздаги кўпгина давлат корхоналари хусусийлаштирилган, шу асно эркин бозор рақобатини охиш бораётганлиги туфайли корхона фаолиятини янгидан кўриб чиқишни ва замона талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Алқисса корхонамиз хусусий бўлганидан сўнг бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан жамоадаги эскириб қолган юк транспортларини ўзининг бозор нархида сотиб, бошқа керакли бўлган транспорт ёки эрктиб қисмлари ҳам сотиб олишимиз мумкин. Шу билан бирга келажакда хизмат турларини кўпайтириш мақсадида корхона қошида бир нечта цех очмоқчимиз. Пойфазалар учун жуда зарур бўлган чидамли материалдан турли ўлчамдаги пошналар, ҳар хил катталикдаги ёғочларни кесадиган ускуналар ҳамда шлокоболлар ишлаб чиқарадиган цехлар шулар жумласидандир. Бу цехларни ишга тушириш учун жойлар тахт қилиб қўйилган, фақатгина махсус асбоб-ускуналарнинг айрим жойларини қайта таъмирдан чиқарса бўлган. Пошналар ишлаб чиқариш учун ҳозирча хом ашёмиқ старли. Уйлайманки ушбу цехлар ишга тушгандан сўнг корхонанинг молиявий аҳволи янада яхшиланади.

Ишчи хизматчиларимизнинг кўнгилли ишлаб, дам олишлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Кичик спорт соғломлаштириш бўлимидада спортнинг барча турлари билан шуғулланиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Шунингдек сауна, дам олиш хонаси, охиона улар ихтиёсида. Хуллас, бу барча хайрли ишларимизнинг аввало ишчилар манфаати ва турмуш тарзини яхшилашдек вазифалар ётади. Муваффақиятларимиз гарови эса уларнинг кайфияти билан боғлиқ.

Очил ҲАЗРАТОВ

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шахримзининг оромбахш гўшаларида.


Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ



4. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ



кур даргоҳнинг тантанали очилиш маросимида Президентимизнинг қатнашганлигини коллежнинг ҳар бир аъзоси мароқ билан аслашади. Ушанда Юртбошимиз тантана иштирокчилари, жамоатчилик ва қурувчиларга миннатдорчилик билдира туриб: «Мана шундай гўзал ва замонавий ўқув масканида тахсил олишга тайёргарлик қураётган ўқувчиларнинг очик чеҳраларини кўриб шу тантананда қатнашаётган киши беихтиёр қувониб кетади. Ёшимиз, вазиғамиз, мансабимиздан қатъий назар, таълим-тарбия олган ўқув даргоҳимиз бизга таълим берган, мураққаб ҳаёт йўлига қузатган ўқитувчи ва мураббийларимиз бот-бот кўз ўнгимиздан ўтади. Бизнинг, катта авлод вақилларининг ўзимизнинг қандай шароитда, қандай бино ва дарсонларда, қандай дарслиғу жиҳозлар ёрдамида, хуллас, нақадар оғир аҳволда билим олганимиз ёдимиздан кўтарилганини йўқ.

Янги ўсиб келаётган авлоднинг ўз бағрига қабул қилишга тайёр бўлган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо янги ўқув масканини кўра эканмиз, бундай имкониятларга эга бўлишимиз, аввало, мустақиллик туфайли эканини барчамиз англаймиз», деган эди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларимиз бир ҳақиқатни тобора чуқур англаб етмоқда. Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замона талабларидан оҳақда қолмаслик, тараққиёт тоған давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, истиқболимиз ва иқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, ўрнимизга келаётган ёш авлоднинг ҳар тарафлама етуқ инсонлар этиб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга бугунги кунда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳеч қандай маблағ, ҳеч қандай сармояни ямасадан ёш авлод, азиз фарзандлар учун шундай билим даргоҳлари, коллеж ва лицейлар қўллаб бунёд этилмоқда.

Яқинда хизмат сафаридан қайтаётиб Маннон Уйғур кўчасидан ўтиб қолдик. Шу кўчада жойлашган қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежи биноси олдида бир гуруҳ ёшларга дуч келдик. Улар янги ўқув йилида шу коллежда ўқиш истағида келган йигит-қизлар экан. Улар билан танишиб сўзлашдик.

— Мен Қашқадарё вилоятиндан келганман, — дейди Карим Пардаев. — Ёшлардан қурувчи бўлишни орзу қиламан. Шу ниятда 9-синфни битириб, ушбу даргоҳга кириш учун қанча ҳужжатлар топшириш кераклигини билиш мақсадида Тошкентга келдим.

— Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридан келганман, — дейди Эргаш Саидов. — Мақсадим келгусида дурдодорлик касбини эгаллаш.

Ёшлар билан мулоқот беихтиёр бизда ушбу билим даргоҳи билан яқиндан танишиб истагини тугдирди. Шу мақсадда коллеж директори Аббос Ҳўжаев билан учрашдик.

— Асосан бизда ўқитиш уч блок бўйича олиб борилади, — дейди у бизга. — Биринчиси — қурилиш блоқи. Бу ерда қурилиш-пардозлаш ишлари бўйича усталар тайёрланади. Айни пайтда улар замонавий хомашёлар қўлланиладиган энг сўнгги технологияларни эгаллайдилар. Иккинчи қурилиш йўналиши — умумқурилиш ишлари ҳисобланади. Бу ерда би-

нолар ва иншоотларда гишт терувчи ва монтажчилик билан бир қатор ўқувчиларимиз электр пайвандчилик касбини ҳам эгаллайдилар. Ниҳоят, коллежимиз битирувчилари — қурилиш-дурдодорлик ва паркет ишлари бўйича усталар, дурадгор, ёғоч устаси, паркетчи касбларини эгаллашади. Улар мебель ишлаб чиқаришда ҳам ишлаб олишлари мумкин. Чунки бу ўқувчилар ёгончи қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналарда ишлашни ҳам ўзлаштирадilar.

Кейинги йўналиш — коммунал блоқи. Бу ерда сув таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш бўйича усталар тайёрланади. Битирувчилар жуда кизиқарли касбкорлар мажмуи: сув таъминоти ва канализация бўйича усталар, газ электр пайвандчи, шунингдек, «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчи касбларини эгаллайдилар.

Коммунал блок доирасида биз турар-жой ва жамоат биноларини таъмирлаш усталарини ҳам тайёрлаймиз. Булар уйлар ва биноларни инвентаризациялаш, кўчмас мулк кадастри бўйича инспекторлардир. Дарвоқе, сўнгги касб бизнинг коммунал ҳўжалигимизда янги касб бўлиб, катта истиқболга эга. Бу ерда электрон ҳисоблаш машиналари операторлиги ҳам ўқитилади. Коллежимиз битирувчилари техник инвентаризация бюрolari ва кадастр хизматларида ишлашлари мумкин. Умуман олганда ҳам, компьютерларни билиш битирувчиларимизга касб таллашда уларини дадил тутиш имконини беради.

Фарҳод бозори яқинида жойлашган билим даргоҳига Тошкент юридик коллежи мақоми берилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг кундузги ва сиртки бўлимларида икки мингдан ортиқ талаба тахсил олмақда. Мустақил дёйримизда демократик, ҳуқуқий адолатли давлат барпо этиш, инсон ҳўқуқларини амалда таъминлаш талаблардан келиб чиқиб коллежда ўқув жараёни янги дастур ва ўқув режалари асосида ташкил этилди. Бу ерда икки мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Кейинги йилларда малакали педагоглар томонидан барча фанлар бўйича ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб янгилади. Ҳуқуқий фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш устида ишлар олиб борилмақда.

Жамоада таълим-тарбия соҳасида АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Жанубий Корея каби қатор давлатларнинг таъмирларини ўрганиш ва энг кераклиларини ўқув ва амалиёт жараёнида тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Албатта, етуқ кадрлар тайёрлаш учун уларга билим берувчи муаллим ўта билимдон бўлиши зарур. Коллежда 70 нафардан ортиқ педагог меҳнат қилади. Улар орасида 14 нафари фан номзоди, доцентлар, 15 нафари олий тоифали муаллимлардир. Ўқитувчилар малакасини оширишга, уларни бугунги замона талаблари даражасида билим ва маҳоратга эга бўлишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда уларнинг барчаси малака ошириш институтларида ўз билимларини мустаҳкамладилар. 30 нафар ўқитувчи эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодий билимларини ошириш қайтди. Жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчи мамлакатимиз раваннага муносиб улуш қўшадиган мутахассислар тайёрлашни ўзларининг шарафли бурчи деб билади.

2001 йилда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-

нинг иккинчи босқичи бошланди. Маълумки, 1997 йилда қабул қилинган мазкур дастур узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унинг асосида янги ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимига ўтиш кўзда тутилди. Шундан бери «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчи касбларини эгаллайдилар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига биноан 1999-2005 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий техник базасини ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб олти йил давомида похтахтда 27,193 ўқувчига мўлжалланган 40 академик лицей (шу жумладан, 12 янги қурилиш асосида) ва 57,458 ўринли касб-хунар коллежлари (жумлада 11 — капитал қурилиш асосида) очиб режалаштирилган. Жумладан, 2000 йилгача мўлжал қилинган босқичда 16 академик лицей очилиши кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар шаҳримизда 18 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шундан биттиси — Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети қошидаги академик лицей янги қурилиш ҳисобидан бунёд этилди. 2001-2002 ўқув йилларида туртта лицейнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди — бу 600 ўринли 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтини қошидаги тиббиёт (Собир Раҳимов тумани), Педагогика университетига қарашли педагогик (Юнусов тумани), темир йўл транспорти муҳандислари институтининг 225 ўринли (Миробод тумани) ва 450 ўқувчига мўлжалланган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги (Чилонзор тумани) лицейлардир. 2001 йилги дастурга биноан бу мақсадларни амалга ошириш учун барча керакли маблағлар ажратилган.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети қошида ҳам капитал қурилиш асосида яна битта академик лицейнинг барпо этилиши бошланди, унинг 2002-2003 ўқув йилида битказилиши кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, ўрта махсус таълим иншоотларини қуриш ва тубдан таъмирлаш ишлари белгиланганидан олдин изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда янги коллеж ва лицейлар каби ўрта махсус ўқув юртлири билан бир қаторда бизнес мактаблар, хунар-техника билим юртлири ҳамда техникумлар ҳам мавжуд. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра 2003 йилда мазкур ўрта таълим масканларини ҳам тўлалигича янги касб-хунар ва ўрта махсус академик ўқув юртлирига айлантириш режалаштирилган.

Хуллас, академик лицей ва касб-хунар коллежларини келажакда порлоқ, ёш авлодларга гамҳўрлик давлат сийсатига айланган юртдагини ана шундай улғувор мақсадлар амалга оширишда берилади. Бинобарин, Президентимиз айтганларидек фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Бинобарин, Юртбошимизнинг ана шу истақлари «Магистратура, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи битирувчиларига» йўллаган табригидаги «...Олган билим ва таърибангиз, одоб-ахлоқ, касб-хунар бобидаги камоланигиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буорсин, аввало, ўзингизга, бутун эл юртимизга бахту соодат келтирсин», деган аjoyиб сўзларида ўзининг яна бир бор ифодасини топди.



Эрталабки нонушта пайтида набирам Бехзоджон билан гурунглашиб қолдик. — Бу йил мактабга борасан-а... — Ҳа, бо'бо. — Қандай тайёргарлик кўраясан? — Яхши. — Қайси мактабга борасан? — Мактабгамас, лицейга бораман. — Нега?... — Лицей яхши-да, унда фақат аълочи болалар ўқийди. Мен ҳам аълочи бўлишни хоҳлайман... Эндигина мактаб оstonасигақадм кўйишни орзу қилаётган боланинг гапи бу. Қизик, ахир яқин-яқиндагина лицей, коллеж деган сўзларни эшитганимизда ҳатто биз катталар бир-биримизга савол назари билан қарардик. Орадан ўтган қисқа муддат ичида бу сўзлар шунчалик ҳаётимизга сингиб кетдики, бугун кичкина бола ҳам мактаб билан коллеж ўртасидаги фарқи англаб етadиган бўлди. Аслида бу мустақиллигимизнинг шарофати. Ҳар томонлама юксалиб, дадил қадамлар билан бораётган жонажон республикамиз аҳлининг маданият-маънавий, ахлоқий тафаккури ўсиб бораётганлигининг белгиси.

Чиндан ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан сўнг таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. 1998-99 ўқув йилида дастлабки академик лицей ва касб-хунар коллежлари очилиб, билимга чанқоқ ёшларни ўз бағрига чорлади. Биргина 1999-2000 йиллар мобайнида мамлакатимизда 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 академик лицей ва 260 касб-хунар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилганлиги ва бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм сарфланганлигини айтадиган бўлсак, манзара янада ойдинлашади. Шу ўринда албатта пойтахтимиз Тошкентда бу жараён қачондан бошланди, деган савол туғилиши табиий. Бу хусусда гап борганда биз 1998 йили албатта эслаймиз. Уша йил таъриба тарихида унча — радлотехника, самолётсозлик ва педагогика касб-хунар коллежлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ва Тўқимачилик ва энгил санаят институти қошида очилган 2 та академик лицейлар ҳақида мамнуният билан сўз қилишимиз лозим. Улар орасида биринчи қалдирғоқ бўлиб Тошкент самолётсозлик коллежи ўз фаолиятини бошлаганди.

Бу тўрт қаватли ўқув масканида учувчи аппаратларини йиғувчи уста, металлга ишлов бериш дастгоҳлари, хусусан тоқарь-универсал фрезерчи, пармаловчи, дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори, санаятда молия ишлари, янги ҳисобчи, молия агенти, компьютер ва идора жиҳозларидан фойдаланиш — компьютер ва идора жиҳозлари устаси сингари кичик мутахассислар тайёрланиши кўзда тутилган эди. Бу эса ўрта Осиёда ягона бўлган «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳисдорлик жамиятини ўз ишини пухта билган малакали ёш кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазиғлар Мақамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорига ҳамоҳанг тарзда коллежга етарли даражада асбоб-ускуна ҳамда турли ўқув жиҳозлари келтириш мақсадида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазиғлиги бош бошқармаси томонидан 36 миллион сўм маблағ ажратилди. Натихада янги ўқув йилида коллежда физика ва кимё хонаси ташкил этилиб дарс жараёнида ўқитувчи ва талабаларга керак бўладиган барча ўқув ва таъриба воситалари билан таъминланди. Шунингдек авиация материаллари технологияси, иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари ҳамда амалиёт сингари хоналарнинг ҳам замонавий талаб даражасидаги ўқув қуроллари билан жиҳозланганлиги ўғил-қизларнинг пухта билиб олишларида муҳим аҳамият касб этди. Дунёда фан ва техника, илмининг йилдан йилга тараққий этиб, ривожланиб бораётганлиги бу таълим муассасаси ходимлари диққатидан четда қолмаётгани йўқ. Улар фан-техника тараққиёти билан ҳамдам бўлиш мақсадида йигит-қизларга компьютер сабоқларини ўргатиб келишмоқда. Дастлабки йили ушбу коллеж гуруҳига қабул қилинган 200 нафар талаба физика, кимё, аэродинамика сингари янги фанлардан сабоқ олиши ва улар ўз соҳасининг етуқ мутахассислари бўлиб етишишмоқда...

Шу тариқа академик лицей ва коллежлар сони йил сайин ортиб бормо. Орадан бир йил ўтиб улар умумий ҳисобда 26 тага етди. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида 1999 йилнинг 1 сентябидан йил бошланган қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежда бўлиб ўтган тантаналар ҳали ҳамон ёдимиздан кўтарилганича йўқ.

159-трест бунёдкорлари томонидан барпо этилган мазкур замонавий ўқув даргоҳида ҳозирда 900 нафарга яқин йигит-қиз таълим олади. Ушбу коллеж қурувчи, дурадгор, сув ва газ тармоқлари усталари, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлайди. Маз-

Еттиш божқармасидан ана шундай қарздорлар рўйхатини олди-у кўриб ёқа ушладик. Уларнинг шунча қарзлари бўла туриб бемалол юрганларига хайрон қолдик. Халқимизда «Хисобли дўст айрилмас» деган нақл бор. Туманда истиқомат қилаётган қарздорлар эса хизматдан фойдаланишда «дўст», ҳақини тўлашга келганда эса тўнани тескари кийиб олишган. — Қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни қўллашмиз, — дейди туман коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбари Олим Юсупов. — Лекин барбир олдимида турган энг муҳим муаммо қарз-

КОММУНАЛ ҲЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА Ҳисобли дўст айрилмас ёки Ҳамза туманидаги қарздорлар

дорлар бўлиб қолмоқда. Барча тушунтиришлар, уларга берилётган имкониятлар, маҳалла кўмиталарининг аралашуви ҳам қор қилимаяпти. Ҳеч «тутқич бермас» қарздорларнинг ишини судга оширдик. Албатта, унинг ижобий натижасини кутаямиз. Қўлимиздаги рўйхатда 26 та хонадон эгасининг исми-шарифи бўлиб, уларнинг жами қарзи 2.574711 сўмни ташкил этади. Айниқса, «Фалабанинг 40 йиллиги» мавзесида 1997 йилдан бундан коммунал хизматлар тўловини бажармаган қарздорлар аначина. Мавзенинг 3-дахиси, 27-уй, 5-хонадон соҳибни Соди-

ков 171950 сўм, 22-уй, 26-хонадон эгаси Валиев 157108 сўм, 2-дахиси, 2-уй, 2-хонадон соҳибни Исломов 149560 сўм, 27-уй, 11-хонадондан Юсупова 148527 сўм, 9-уй, 46-хонадондан Азимов 126273 сўм қарзларини тўламай келаётганидан заррача уялишмаяпти ачинардилар. 4-Лисунов мавзесида ҳам қоридидагидек уялмай-нетмай берайиб юрган хонадон соҳибалари кўллаб топилади. Улардан Ескендар Абсаматов (79-уй) 153995 сўм, Тамара Левушина (27-уй, 76 хонадон) 128802 сўм, Нейматулло Бегматов (147-уй) 119920 сўм, Ҳамроқул Нейматов (22-уй,

лари керак-ку. Вақт кутиб турмайди, кунлар, ойлар ўтган сайин қарзлари аянам кўпайиб бундан бун ҳам танг ахволга тушиб қолишларини наҳотки улар ўйлаб кўришмасан?

Муҳтор Ашрафий кўчаси, 22/3-уй, 17-хонадонда яшовчи И. Карпушин 130 минг сўм, Зоҳидов кўчаси, 27-уй, 8-хонадон соҳибни Т. Волкова 93.160 сўм, «1-Слоним» кўчаси, 12-уй, 6-хонадонда турувчи А. Кобзоров 89.934 сўм, шу кўчадаги 4-уй, 31-хонадонда истиқомат қилувчи Ф. Хуррамова 82.643 сўм қарз билан бамайлихотир юришибди. Рўйхатни давом эттириш мумкин. Аммо гапни қўйишга ҳолат йўқ. Юқоридаги барча фикрлар бошқа қарздорлар ҳам тегишлидир. Истагимиз шунки, зора уларга инсоф бериб, бирозгина бўлсада уялиб ижара корхоналари эшигини пул ушлаган қўллари билан қоқишса. (Ўз муҳбириимиз)

Оз-Оз Уртганиб

Домо билур...

САЁХАТ

Падари бузрукворим Махдум Восиллий тез-тез саёхатга чиқиб турардилар. Хадисда, саёхат қилинлар, соғланасизлар, дейилган дер эдилар.

Керак бўлса кимга соғлиғи роҳат, Хайтидан тилар бўлса фароғат. Уми узок бўлар, бадани соғлом, Қилиб турса гоҳо-гоҳо саёхат.

Отам Узаганга кўп марта саёхат қилган эдилар. Бу ерда дахбедлик Махдуми Аъзамнинг аждодлари Қилич Бурхонуддин азизнинг фойсозер макбараси бор эди. Қилбоғоҳим бу макбарани зиёрат қилиб, сўнг мухлислари уйда меҳмонда бўлардилар.

Узоқ тарихларга эгадир Узаган, Кўнгилни ўзига эгадир Узаган, Тўйиб нафас олмоқ учун баргида, Юрагин орзуга эгадир Узаган.

Қилбоғоҳим Обшир ота ва Новқотнинг Саёхобасида кўп бўлардилар. Улар бизга: «Саёхатдан мурдао — куруқ саёхатнинг ўзи эмас, балки Худонинг қудратини томоша қилишдир, агар шундай ниёт қилинса, ҳақиқатга тўғри бўлади», — дер эдилар. Саёхоба ва бу ерга келган илк араб лашкарлари ҳақида сўзлаб берардилар.

Араблар шамолдек олган эмишлар, Ажойиб бу жойни билган эмишлар. Арабнинг жанговар кўшини ичра, Саёхобалар бирга келган эмишлар.

Эзи табиатлар пайтида кўпича отам билан мен ҳам Навқотнинг тепасидан Шанқўл тоғларига саёхатга чиқар эдим. Бизни биродаримиз Фатхулла Махсум олиб борарди. Бу ер бодом, зира, арча дараклари билан қопланган, ўт-ўланлар ўсиб ётган, тоғ орасидан ҳайқириб анҳор оқиб ўтадиган жой эди. Бу ерда кирғиз Ашур ога ўтанда меҳмон бўлиб, қимизхўрлик қилардиқ.

Сайр қилар жойинг доим боғ бўлсин, Саёхатга чиқар жойинг тоғ бўлсин, Юз йиллардан ортиқ яшайин десаң, Аччиғанна, вақтинг доим чоғ бўлсин.

Падари бузрукворим ўтовларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланувчи кирғизларнинг илтимосига кўра «Рисолайи Қимиз» («Қимиз ҳақида рисола») асарини ёзган эдилар. Унда қимизнинг пайдо бўлиш тарихи, тайёрлаш усули ва шифобахш хусусиятлари ўз инфодасини топган эди. Рисолада «Туркистон тарихи» номли китобдан олинган қимиз ҳақида шеър ҳам бўлиб, унинг бошланиши қуйидагича эди:

Қимиздир ошларнинг оши, ҳамма неъматларнинг боши, Муқаввийдур, мусамминдур, муқалим айлаюр носи.

Мазмун:
Қимиз овқатларнинг овқати, неъматларнинг аълоси, Қувват берувчи, семиртирувчи ва одамларни гапиртирувчи.

Бир йили бир қанча кишилар билан бирга Шанқўлга жўнадик.

Фароғатнинг таги саёхатдадир, Саёхатчи доим фароғатдадир, Саломатлик ҳамдам саёхатчига, Саёхатчи доим саломатдадир.

Бизни олиб боришга мутасадди бўлган киши отамга билдирмай, ўзга шахрлик кишиларни ҳам тақлиф қилибди. Қимиз ичиб ўтирганда ҳам сўхбатимиз қовушмади. Утириш соғуғандан соғиб борди. Шахарликлардан бири қилбоғоҳимга тинимсиз саволлар берад, баъзи масалаларда тортишар, дам олишга келган кишиларнинг энасини қотирарди. Кечаси ётиб қолиб, эртасига кеңкурун қайтмоқчи эдик. Киминдир юраги сиқилиб, тунда қайтиш ҳақида очиган эдик, қилбоғоҳим дархол рози бўларди. Тўрт соатга яқин юк машинасида йўл юриб, уйга етиб келдик. Кузовда бўлганимиз учун шариллаб ёққан ёмғирдан ҳаммамиз шалабош хўл бўлиб кетгандик.

Ёмонни йўлатма асло ёнингга, Шерик қилакўрма ошу ноингга. Айрилмагин бироқ қишидан зинҳор, Жони тўғри келиб қолса жонингга.

СУТ

Бирга ўқиган дўстимни кўриб қолдим. Утган йили тўйда бўлгандик. Бир давлат одамнинг кўзига тантана ва дабдаба билан уйланган эди. Ойлавий аҳолини сўрадим.

- Хеч кимга айтолмайман, — деди у фигони фалакка чиқиб, — хотиним билан муносабатим ёмон.
 - Ёқмай қолдимми? — деб сўрадим.
 - Гап унда эмас, — деди у. — Хотиним бошқача тарбияланган экан. Ишдан кеч қолади. Йигитлар уни машинада ташлаб кетишди. Танбەх бераман, улар менинг дўстларим, нима сизни деб, дўстларимдан воз кечайми? — дейди.
 - Ахир ўзинг кўриб, биллиб олгансан-ку, — дедим унга.
 - Мен қаёқдан билай, яқинда фарзандлик бўлганимиз, боласини эмизмаепти, — деди у.
 - Нега? — хайрон бўлдим.
 - Қадди бузилар эмиш! — деди у.
 - Ҳа, танаб-танаб тозасига учрабсан, — дедим унга.
- Бир таноз хонимнинг сўти алмашиди, Гўдақнинг ризқ-рўзи, кути* алмашиди. «Қадди» бузилармиш бола эмизса, Бола яқин ўсмай пути алмашиди.**

КОМАТ

Қишлоқдан меҳмон келган эди. Айлантриб келиш учун боққа олиб чиқдим. Курсида дам олиб ўтирсақ, миллати номаълум бўлган икки ёш аёл олимизга келиб ўтирди. Ихкалси ҳам мини юқдада бўлиб, ярим яланғоч эдилар. Меҳмондан хижолат тортидим.

— Таажубли жойи йўқ, — деди меҳмон менинг ҳолатимни кўриб. — Агар бу аёллар чироили бўлганда эди, ўз коматларини яширган бўлишарди, хунук бўлганлари учун бепарво оңиб юришибди.

Дарахтан олдимга тушди бир ёнғоқ, «Либосин» шарт ечиб, отди нарироқ. Сўнг деди: «Зевлар қаддин яширсин, Бизда-чи, ҳаммаси, ҳаммаси чатоқ!»

СУХБАТ

Хонамга икки ҳаммаси дўстлар кириб келишди. Чой устида янги ёзган бир шеъримни ўқиб бердим. Биринчиси:

— Эзасан, ёзасан, матбуотга бермайсан ё китоб қилиб чиқармайсан! — деб таъна қилди. Иккинчиси:

— Ёзилган нарсани эзсан қолмайди, қўни келиб чиқади, аммо муҳими шуки, унинг шеърлари ҳеч ерда чикмаси ҳам, барибир ёзаваради, ташлаб қўймайди. Агар тўхтайтиб қўйс, улар ёмон бўлади, — деди.

Иккинчисининг сўзлари менга ёқди.

Қоқ тунда уйғониб солгандин кулоқ, Ёнимда шилдираб оқарди кулоқ. Дедим: — Бехудага мунча оқарсан? У деди: — Оқавер, ёмон тўхтамоқ!

Махмуд ХАСАНИЙ

* Кути — овқат.

БИЛИМДОНЛАР БАҲСИГА МАРҲАМАТ!

Марҳабо, Миср!

Мусобақанинг тўртинчи тури

Мисрда Фиравн, юнон-рум, кўб ва Ислом даврига оид сон-саноксиз қадимки ва зиёратгоҳлар мавжуд. Шу боис, бу юртини очиб само остидаги улкан музейга ўхшатадилар. Сайёҳлик эса Тангри таолонинг халқи меҳмондўст, осори атиқалари бехисоб, хавоси мўътадил бу юртга берган улуғ неъматидега десаб бўлади.

Миср зиёратгоҳларини шартли равишда қуйидагича бўлиш мумкин:

а) қадимий осори-атиқалар; б) диний зиёратгоҳлар; в) замонавий диққатга сазовор жойлар; г) табиий муолажа масканлари ва оромгоҳлар.


Мисрнинг қадимий осори-атиқалари

1) Фиравнлар даври тарихий ёдгорликлари

а) Гиза ахромотлари. Дунёдаги етти мўъжазаддан бири ҳисобланган Гиза ахромотлари Гиза ҳудудида, Нил дарёсининг қўрғиқига, мамлакат пойтахти — Қоҳира шаҳридан 15 километр узоқда жойлашган.

— **Хуфу (Хеопс) ахроми** бу ердаги энг улкан ахромот. Унинг баландлиги 137 метр бўлиб, асоси сағалм 7 гектар жойни эгаллайди. У хар бирининг оғирлиги 2,5 тоннадан 15 тоннагача келадиган 2 миллион 300 мингта йирик тўртбурчак тошдан ташкил топган.

— **Хафра (Хафрин) ахроми** катталиги жиҳатдан бу ердаги иккинчи ахромотдир. Унинг баландлиги тахминан 135 метр, учбурчак шақлдаги томонларининг хар бирининг узунлиги 212 метрни ташкил этади.



тенкамон ва Нефертариий кабиларнинг макбараларидан иборат «Шоҳлар водийси» Луксорнинг энг муҳим қадимки вақтларини ҳисобланади. Малика Хатшепсутнинг «Дайр Ал-Бахр», Рамзес III ва Ар-Рамсум ибодатхоналари ҳам мана шу Луксорда қад роставган.

В) **Асвон ёдгорликлари.** Мисрнинг жанубида, Нил дарёсининг қўрғиқига жойлашган ҳам бемалол дам олса бўладиган жуда ажойиб масканлар ҳамда бир қанча тарихий ёдгорликлар бор. Шулардан бири Абу Сумбул ибодатхоналари мажмуасидир. Сайёҳлар бу ерга азал-азалдан бери, фириванлар даврида «Кўёш байрама» деб номланган, бир йилда атиги икки бор кузатиладиган мисрлик астрономик воқеани ўз кўзлари билан кўргани келишни қанда қилмайдилар. Гап шундаки, мисрликлар Рамзес II ибодатхонасини шундай аниқлик билан кўрганларки, кўёш нури Рамзес II ҳайкали юзига бир йилда атиги икки марта — у туғилган ва шоҳлик тожини кийган кўнларда 30 дақиқа давомда тўшиб ўтади. Бу ноёб ҳодисани кўриш учун хар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб кишилар бу ерга оқиб келадилар ва ўз кўрганларидан хайратланиб ёқа ушлайдилар, ўтмиш кишиларнинг ақл-заковати ва меъморчилик санъатига таҳсинлар ўқийдилар.

Мамлакат пойтахтидан 210 километр узоқликда, ўрта ер денгизи қўрғиқига жойлашган Искандария шаҳри дунёга донг тартатган дам олиш маскани ҳисобланади, уни «Урта ер денгизи келинчағи» деб ҳам аташди. Шаҳарда Рум ва Юнон маданиятига оид бир қанча тарихий обидалар мавжуд. Юнон томошагоҳи, «Қорабош» ибодатхонаси ва сурвийлар тимсоли акс эттирилган устунлар шулар жумласидандир.

3) Мисрнинг диний зиёратгоҳлари ҳақида билганларининг ҳам савол-жавоб варақасига қайд қилишиңиз мумкин.

Тўртинчи савол-жавоб варақаси

(Газетанинг номи «Тошкент оқшоми») Иштирокчининг исми-шарифи, ёши, касб-кори ва манзили:

- 1-савол. Мисрдаги Ислом маданиятига оид энг муҳим диққатга обид:
- Каъбатуллоҳи шариф;
 - «Ал — Азхар» масжиди;
 - «Ал — Карнак» ибодатхонаси.
- 2-савол. Қоҳира шаҳри марказидаги маҳаллалардан бири «Ал — Озбаки» деб аталишига сабаб:
- у ерда ўзбекистон элчихонаси борлиги;
 - мамлуқлар амирига нисбат;
 - у ерда ўзбеклар қўлиги.

Эслатма: Савол-жавоб варақаси қирқиб олинб, тўғри жавоблар белгилаңгач, мусобақанинг якунигача йиғиб юрилади. Улар бешта бўлгач барчаси бирийўла Миср элчихонасининг МАТБУОТ ШУЪБАСИ жойлашган Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-бино, 601-604 хоналарга жўнатилди.

Соғлом авлод негизи

Авал хабар берганимиздек шахримизнинг «Узғариш-йўнингҳида 15-16 ёшли болалар ўртасида «Биз — «Пахтакор» келажакимиз» мусобақалари доирасида шаҳар чемпиони бўлиб ўтди. Унда Шайхонтохур туманининг «Бог кўча» ҳамда Акмал Иқомов туманининг «Оқ маъит» маҳаллалар жамоалари 1-2 ўринлар учун беллашган бўлса, 3 ва 4-ўринлар учун Юнусобод туманининг «Мин-гўрик» ҳамда Хамаза туманининг «Усмон Носир» маҳаллалари жамоалари ўзаро куч синашди.

Кескин ва мурасиз, техник комбинацияларга бой қизиқарли ўтган ушбу ўйинда мингўрикликлар рақиблар устидан 3:1 ҳисобида ғолиб қилишди. Биринчи ва иккинчи ўринлар учун эса «Бог кўча» ва «Оқ маъит» маҳаллалар жамоалари бахс юритишди. Албатта, мусобақача яқин тайёр-гарлик кўрган жамоалар ана шундай финал беллашувларида билинади. Алқисса, ўтган йили шаҳар ва республика чемпиониликларини кўлга киритган оқ маъитликлар бу гал ҳам рақиб дарвозасига жавобсиз 4 та тўп киритиб яна бир қарра зафар кўчишди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов, Республика окрокполлар кенгаши ва «Маҳалла» жағғармаси раиси Шуҳрат Жалилов, шаҳар «Маҳалла жағғармаси раиси Аъзамжон Гадойбевлар ғолиблар ва турнир катташчиларига ўзларининг энг эзгу тилақларини билдирган ҳолда ғолибларга махсус кўбук ҳамда олтин ва кумуш нишонларни топширдилар.



СУРАТЛАРДА: мусобақа ўйинларидан лавҳалар.

БИЗ — «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАГИМИЗ

— Биз фарзандларимизни қўллаб-қувватлаш учун келдик, — деди сўхбатимизга қўшилиб «Оқ маъит» маҳалласи вакили Махмуд Эшонжонов. — Фарзандларимиз қанча соғлом, бақувват, иродали бўлса келажак ҳаётда қўқилмайди. Уларга республика мусобақаларида ҳам бугунгидек шижоат, куч-қувват тилаб қоланман.

Одил ХАСАНОВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Яхшиликка ёмонлик

Испанининг Саброн шаҳри ҳайвонот боғида икки аёжик боғ директори-ни тилка-пора қилишди.

Айклардан бири тасодифан қафсадан чиқиб олгандан сўнг бошланди. Ҳайвонот боғи директори Хосе Игнасио Арести қочоқни тутиб олади ва қафсага киритишга уринади. Шунда хар бири 350 килолик икки аёжик директорнинг ўзини қафсага тортиб киритишади ва унга ташланмошади. Боғ хизматчилари, томошабинлар ҳаяжонга тушганлиги боис ўзларини йўқотиб қўйишди. Бақир-чақирни эшитгач боғ ёнида йўл кураётган ишчилар етиб келишди. Улар тош ва таёқлар ёрдамида айкларни чаплатмоқчи бўлишди, лекин афсуски буни утда-лай олишмади. Бир чақирим нарида жойлашган тамаддигона хўжайини етиб келиб ўз милтигидан 6-ўқ отгач айклар йиқилишди аммо бу вақтта келиб директорнинг жони чиқиб бўлган эди.

Ушбу ҳайвонот боғи анчадан бунён қора ном олган. Уч йил олдин айклар бир томошабинга ташланиб уни гаҳиб ташлаган эди. Шундан сўнг бир йил ўтиб Испанидаги барча газеталар — шу айклар 41 ёшли аёлга ташланганлиги ва бунинг оқибатида шифокорлар аёлининг оёғини кесиб ташлашга мажбур бўлганликларини ҳақида ёзишган. Жабрида аёл қанча уринмасин шу пайтгача товон пулини олмаган.

Суд маҳлисларидан бирида боғ директори фожиа аёлининг эҳтиросизлиги туфайли юз берганлигини, унинг айқлари беозор, ювощ эканлигини айтган эди.

Жаноб Арести ҳайвонларни бирмунча эркин сақлаш тарафдори эди — афсуски айклар бунинг тушунишмади. Яхшиликка ёмонлик денганлари шу бўлса керак.

Суд маҳлисларидан бирида боғ директори фожиа аёлининг эҳтиросизлиги туфайли юз берганлигини, унинг айқлари беозор, ювощ эканлигини айтган эди.

Жаноб Арести ҳайвонларни бирмунча эркин сақлаш тарафдори эди — афсуски айклар бунинг тушунишмади. Яхшиликка ёмонлик денганлари шу бўлса керак.

Ер юзи аҳолиси

Статистик маълумотларга қараганда ер юзидаги аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 86 миллион кишини ташкил этар экан.

Ер юзида аҳолининг зичлиги турли минтақаларда турличадир. Бу фарқ аҳолининг турмуш тарзи, соломатлиги, ўртача умр кўраши ва бошқа мезонларда яққол кўзга ташланади. Масалан, ривожланган мамлакатларда оналар ва болаларнинг ўлими ривожланган давлатлардагига қараганда 15-50 марта кўйлар.

Маълумки, Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ дунёдаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган мамлакатлардир. Хитойда аҳолининг ўсиши йилга 1,4 фоизга, Ҳиндистонда 2 фоиздан ташкил этади.

Жаҳон мутахассисларининг фикрича, келгуси ўн йилликда Ер юзи аҳолиси йилга 97 миллион кишига қўпайиб борар экан.

Ҳам шўр, ҳам чучук

Ҳиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор.

Унинг суви йилнинг етти ойида шўр, беш ойида эса чучүк бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибидо эш тузини берадиган хлорид натрий ҳам мавжуд экани, бу Ҳиндистоннинг марказий ҳудудини тўз билан таъминлайди, демакдир.

Тожикистоннинг жанубида ҳожа Мўмин деб номланадиган тоғ тўздан бунёд этилганлигига ҳеч қандай шикоят йилдан йил қилинганга қарамас, мазкур тоғдан овқат учун туз олинмаган бўлса, бутун ер юзига тахминан 100 миллион йилга етар экан.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги туман ҳокимининг ўринбосари Носиржон Абдулаев Зокорювга ва унинг оила аъзоларига волидаи муҳтарамаси

ТУРДИХОН ҲОЖИ ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чўкур тазия изҳор этади.

Фойдали учрашув

С. Рахимов тумани мудофазаси килувчи 4-ХЭСБнинг ДЕН ҳодимлари томонидан 2001 йилнинг ўтган 6 ойи давомида туман ҳудудида рўй берган ёнғинларнинг олдини олиш максисида жойларда жами 692 учрашув ва сўхбатлар ўтказилди.

Ана шундай учрашувлардан бири С. Рахимов туманининг «Ешлик» талабалар шаҳарчаси «Ешлар гузарига» бўлди. Ёнғин ҳафсизлигига бағишланган «Жума оқшоми» давомида ёнғинга қарши техника билан 4 мингдан ортиқ талаба ёш таништириди. Бундан ташқари ёнғинга қарши савол-жавоб викторинаси уюштирилди. Саволларга тўғри жавоб берган талабаларга эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, учрашув давомида С. Рахимов тумани ДЕН ҳодимлари томонидан ёнғиннинг олдини олиш ҳақида тушунтириш ишлари ҳам ўтказилди.

Учрашувлда асқиялар бўлди, ёқими мусиқалар ижроси билан яқунланди.

ШЕРЗАФ РАҲМОНОВ, Собир Рахимов тумани мудофазаси килувчи 4-ХЭСБ ДЕН бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори.

Очиқ акциядорлик жамияти шақлидаги «Тошкент-Лада» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси (ВАЗ автомақарз) ЎзДЭУавто заводида ишлаб чиқарилган «Нексия» русумидаги энгил автомобилларини хорижий фуқароларга АҚШ доллар валютасига сотади. Манзилимиз: «Собир Рахимов» метроси, Тошкент шаҳри, 700185, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 27-уй. Тел. 76-75-54, 79-28-60, 79-26-85.

● Тошкент шаҳар, Собир Рахимов туманидаги 28-мақтаб томонидан 1992 йилда Муҳаббат Боқодирова Юлдашева номига 9-синфни битирганлиги тўғрисида берилган № 093830-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳақми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиңиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-масбао акциядорлик компанияси бошхонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.